



ТҮРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1994 йил II июнь • Шанба • № 44 (14205)

تورکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

ИНСОННИНГ НИШОНИ—ИЙМОН

10 июнь кунги Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бу йилги муқаддас Ҳаж сафарини иштирокчилари — республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси Абдуғани Абдуллаев ва Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идораси ҳайъатининг раиси муфтий Муҳторхон Абдуллаевни қабул қилди.

Ислам Каримов, аввало, ҳожиларни муқаддас Ҳаж амалларини муваффақиятли адо этиб қайтганлари билан муборакбод этди. Президент мустақилликдан сўнг мамлакатимиз фуқароларига диний амалларни эмин-эркин адо этишлари учун барча шарт-шароит мўҳайё қилинганни таъкидлаб шундай деди:



— Республикада тинчлик-осойишталикнинг барқарор бўлишида дин аҳдларининг ҳиссаси бениҳоят катта. Одамларни иссофга ймонга қадириш, уларни ўринсиз ва калитс ишлардан қайтариш, ҳозирги даврнинг айрим қийинчиликларига сабр-бардошчи бўлишга даъват этиш — дин арбобларининг мустақиллик давридаги шарофли ишга айланиши лозим. Буюк ақдодларимиздан бизга бой диний-фалсафий илмлар мерос қолган. Уларни буюк давлат қуришга хизмат қилдиришимиз ва шу тариқа одамларимизда ўқинишимизга, она заминга, миллий анъаналарга муҳаббат уйғотишимиз зарур. Яшн қилганимизга ёмон кўз билан қаровчилар ҳам бор. Шу боис, биз одамлар онгига истиқлол гоиларини теран сингдиришимиз, жаҳонда унга тенг келарли неъмат йўқ эканига ишонтаришимиз лозим.

Сўхбат иштирокчилари бу йилги муқаддас Ҳаж сафаридан ўзбекистонлик барча зиёратчилар бениҳоят мамнун эканини изҳор этиб, ҳожиларга етарлича маблағ ва махсус самолётлар ажратиб берилгани учун Президентга миннатдорлик билдирдилар. Мамлакатимизда истиқлол шарофати билан нафақат диний эътиқод эркинлиги, балки, уни бажо этиш учун шароитлар ҳам яратилгани таъкидланди.

— Яхши эслаيمان, — деди Ислам Каримов сўхбатни давом эттириб, — коммунистик партия ҳукмронлиги даврида одамлар ҳатто азага боришга ҳайқиб қолган эди. Аёллар учун-мунча йилгиларда бўлмоқчи ўзбекистонлик барча эътиқодларнинг буюк шарофати шу бўлдики, энди барча ўз эътиқодига амал қилиб яшапти, иссофга ймонга кўл берпти. Аммо, афсуски, бу имкониятларнинг қадрига етмаётганлар, эски тузум яхши эди, деб юрганлар ҳам бор. Мен яқинда бўлган Олий Кенгаш сессиясида яна ортга — СССР даврига қайтсак, динимиздан, ймонимиздан ажралиб қолмайми, келажатимиз — фарзандларимизнинг тақдири нима бўлади, деган гапларни айтган эдим. Яна бир марта айтман: биз истиқлол берган имкониятларни қадрлашимиз, уларни ёлгон гоиларга бой бериб қўямаслигимиз керак!

Сўхбатда бутунги маънавий янгиланиш, миллий қадриятларни тиклаш жараёнида дин аҳдларининг ўрни ва вазифаси ҳақида ҳам гап борди.

СУРАТДА: қабул шайт. Суратчи Р. НУРИТДИНОВ. (Ў.А.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА САНЪАТКОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юксак ижрочилик маҳорати, республика театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

Илҳомов Муновож — Муҳиддин Қориевнинг номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг янақон хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АРТИСТ»

Абдураҳмонов Наби Қасимович — Тошкент Давлат рус ёш томошабинлар театрининг бадий раҳбари

Абдуллаев Исмоил —

Илҳом Охунбоев номидаги Ўзбек ёш томошабинлар театрининг актёри

Авдишова Ирина Геннадьевна — Максим Горький номидаги рус академик драма театрининг актёри

Илҳомов Шухрат Низомович — «Ўздавтелерадио» компанияси қосидаги Д. Зокисов номи халқ чогу асбоблари оркестрининг концертмейстери

Раззоқова Кумуш Қодирова — Ўзбек Давлат эстрада бйрлашмасининг янақон хонандаси

Усмонова Юлдуз — Ўзбек Давлат эстрадаси бйрлашмасининг янақон хонандаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**, 1994 йил 10 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Сўнгги вақтда гўё сўм купонни муомаладан чиқаришга тайёргарлик қўрилатгани ва яқин кунларда 5000 ва 10000 сўмлик пуллар бекор қилиниши ҳақида мишмишлар тарқалмоқда.

Шу муносабат билан Марказий банк маълум қиладики, бундай мишмишлар бутунлай асоссиздир.

Республика ҳукумати ва Марказий банки миллий валютани жорий этишга доир барча чора-тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини олдиндан хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини жорий этиш тадбирлари ушшоққоқлик билан, шойимай амалга оширилади. Миллий валютага ўтиш аҳоли манфаатларига путур етказмаслиги учун, барча шарт-шароит яратилган.

Марказга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган раҳбар бочилик қилиши белгилаб қўйилсин. Марказ раҳбарига Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаб берилсин.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ҳодимлари моддий-маиший, табиий таъминот жиҳатидан республика вазирларининг тегишли тоифадаги ҳодимларига тенглаштирилсин.

3. Марказнинг асосий вазифаси ва фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборатлиги эътиборга олинсин:

— социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш ор-

ОРОМҲОҲЛАР

Хоразм вилояти сув ҳўжалиги бошқармасининг «Обиҳўда» оромгоҳида уч ўзғучи хордиқ чинармоқда. Амударё соҳиллари баҳаво масканда болаларнинг дам олиши учун барча шароит яратилган.

Вилоятдаги ўн учта

ЧОРЛАЙДИ

санаторий усулида жиҳозланган оромгоҳда йигирма минг нафардан зиёд ўзғучи соғлигини мустаҳкамлайди.

Эски таътилда ҳар беш ўзғучининг бири шундай масканларда дам олади.

ЎЗНИҲОҲ ҲАСАН, Ў.А. муҳбири.

Аёл, онла, жамият

ДУҒОНАЛАР УЧРАШУВЛАРИ

Республикада пойтахтида ўтаётган «Аёл, онла, жамият» конференцияси қатнашчилари «Қизил тоғ» тикуччилик ишлаб чиқариш бйрлашмасида меҳмон бўлишти. Бу ерда уларга бйрлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш қилинди.

Конференция қатнашчиларининг бу ерга келиши бежиз эмас. Корхона ҳодимларининг 95 фоизини аёллар ташкил этади. Раҳбарият, аёллар кенгаши уларнинг ижтимоий муҳофазаси хусусида доимий ғамхўрлик қилиб келади. Меҳмонлар бйрлашма меҳнаткашлари ва раҳбарлари билан бўлган сўхбатда бу ерда аёлларнинг меҳнат қилиши ва ҳордиқ чиқариши учун яратилётган шароитдан хабардор бўлишти. Корхонада болалар богчаси ишлайди, каттагина бог кичкинтойлар иштирокида бериб қўйилган. Тикучилар энг замонавий табиий ускуналар билан жиҳозланган профилаторийда саломатлигини мустаҳкамлайди. Бу профилаторий ёз пайтида болалар учун соғломлаштириш лагерига айлантирилади. Бу шарт-шароит ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ҳам акс этмоқда. Тош-

кентлик тикучилар ишлаб чиқараётган юксак сифатли, чиройли кийимлар республикадагина эмас, яқин хорижада ҳам машҳур.

Конференция қатнашчилари шу кунги уч гуруҳга бўлишти, «Шарқ гули» акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехларида бўлишти. «Она ва бола» республика марказининг иши билан танишди. Тошкентдаги музей ва мактабларни бориб кўрди. Улар республика болалар жамғармаси раҳбарлари ва фаоллари билан бўлган учрашувда ҳам кўпгина эзгу ишлардан хабардор бўлишти. Ўзбекистоннинг аёллар ва болаларни ижтимоий муҳофазаси қилиш соҳасида эришган ютуқлари соғлом авлодни тарбиялашнинг сибатининг асосий йўналиши деб белгиланган ҳўкуматимизнинг ғамхўрлиги натижасидир. Ойла йилга бағишланган Тошкент анжумани ташкилотчилари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «ЭКОСАН» халқаро жамғармалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳўкуматининг ана шу сибатини амалга оширишда ўрнатқ бўлмоқда.

Конференция доирасида «Ойла, экология ва саломатлик» мавзусида давра сўхбати ҳам бўлиб ўтди. Унда эколог олимлар, «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси мутахассиси ва фаоллари иштирок этишти. Улар аёллар анжумани билан Осие минтақасидаги экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатларини тугатилиш муаммоларини муҳокама қилди. Бу ишда аёллар ва болалар саломатлигини хусусидаги ғамхўрлик асосий ўринни эгаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Бўлиб ўтган учрашувларда жуда кўп мамлакатдан келган анжуман қатнашчилари халқаро аёллар ҳаракати фаолияти ер кўрсатида тинчликни ўрнатилиш, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга, келажакимиз бўлган ёш авлодни тарбиялашга муҳим ҳисса қўишини алоҳида таъкидлади.

Республикадаги хотин-қизлар ташкилотларининг иши кейинги пайтда анча яхшиланиб бормоқда, — дейди Андижон вилояти Жалолқудўқ тумани хотин-қизлар кенгашининг раиси Зоҳида Аскарва. — Ҳозирги ўтиш даврида аёлларга ама-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК

МАРКАЗИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 апрелдаги фармонининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблағлар билан таъминланган билан бир қаторда ҳўжалик ҳисобидида ҳам иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази тизимининг тузилиши ва Марказ Кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимларини молиявий таъминлаш ва улар томонидан барча хилдаги тарбиявий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳаражатлари тегишлича маҳаллий бюджетлар ва ҳўжалик фаолиятдан тушган даромадлар ҳисобидан қопланиши қайд қилинсин.

2. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази девони ва унинг қўйи бўлимларининг тузилиши ва штатлари жадалви (техник) ҳодимлар бундан мустасно) тасдиқлансин.

Марказга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган раҳбар бочилик қилиши белгилаб қўйилсин. Марказ раҳбарига Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаб берилсин.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ҳодимлари моддий-маиший, табиий таъминот жиҳатидан республика вазирларининг тегишли тоифадаги ҳодимларига тенглаштирилсин.

3. Марказнинг асосий вазифаси ва фаолияти йўналишлари қуйидагилардан иборатлиги эътиборга олинсин:

— социологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажакини белгилайдиган илгор гоиларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

— жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

— миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт илдизлари муштараклигини тарғиб қилиш;

— маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳўкуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилиларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва тарғиб қилиш;

— жаҳоннинг умумбаъарий бойликларига эга бўлиш мақсадида мамлакатдаги ва дўнудаги хилма-хил мафкура, эътиқод, гоиларни ўрганиш, соғлом дўнқарашни ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш;

— жамоат бйрлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига кўмаклашиш;

— маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар, анжуманлар, сўхбатлар ўтказиш.

4. Ўзбекистон эъиллари илмий-маърифий уюшмаси II навбатдан ташқари қўрултойининг мазкур уюшмани тугатилган деб ҳисоблаш, уюшма ҳамда унинг таркибидagi ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар иштирокида пул маблағлари, қўчмас мулкларни Марказ иштирокида бйриш ва Марказни уюшма мол-мулкнинг қўнуғий вориси деб эълон қилиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

5. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов):

1994 йилнинг июнь ойида бошланг Марказни ҳамда «Тафаккур» журнални тахририятини уларнинг асосий фаолияти учун зарур бўлган маблағ билан таъминласин ва ҳар йил бюджетни шакллантиришда тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин;

Марказ жойлашган Ота-турк кўчасидаги 24-бинони таъмирлаш ҳаражатларини тақдим қилинган ҳақиқий ҳисоб-китоблар асосида қолдасин;

Марказга ва унинг журнални тахририятига хизмат кўрсатиш учун 3 та енгил автомобиль сақлашга лимит ажратсин.

6. Моддий-техника таъминоти масалаларини зудлик билан ҳал қилиш ҳамда Марказ ва унинг жойлардаги бўлималарининг нормал фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида:

Марказ ҳузурида ўзбек халқи маданий мероси намуналарини тўплаш, илмий таҳлил қилиш ва оммалаштириш билан шўғулланидиган ҳўжалик ҳисобидида ишловчи видео-фотостудия тузилсин. Тўпланган видео-аудио, фото материаллар асосида, маданий мерос фонди ташкил этилсин;

Фан ва техника давлат қўмитаси 1995 йилдан бошлаб «Маънавият ва маърифат» марказининг социологик тадқиқотлар тематикасини тайлов орқали маблағ билан таъминланувчи ишлар рўйхатига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Фанлар академияси ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари а р и нинг ва олимларнинг Марказ ўтказадиган маънавий-маърифий тадбирларда кенг иштирок этишини таъминласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ники ой муддат ичида Марказнинг

Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раҳбарининг ўринбосари

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раҳбарининг (жамоатчилиги асосида) ўринбосари этиб тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

З. ЮСУПОВ, Х. ДАВРОНОВ, А. ЖАЛОЛОВНИ

РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК

МАРКАЗИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

— Эркин Юсупов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг раҳбари этиб;

— Хуршид Давронов республика «Маънавият ва маъ-

рифат» жамоатчилиги маркази раҳбарининг ўринбосари этиб;

— Абдулҳафиз Жалолов республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раҳбарининг (жамоатчилиги асосида) ўринбосари этиб тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Н. ВОЗНЕНКОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

БОШ ВАЗИРИНИНГ

ЎРИНБОСАРИ

ЛАВОЗИМИДАН

ОЗОД ЭТИШ

ТЎҒРИСИДА

Анатолий Николаевич Возненко бошча ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**, 1994 йил 10 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**, 1994 йил 10 июнь.

БУХОРОЛИКЛАР

БИРИНЧИ

Республикадаги ипак хирмонига 2750 тонна кўмуш тола тошпирган Бухоро вилояти пиллачилари кунча давлатлаш шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш тошпирининг биринчи бўлиб адо этилди. Вилоят бўйича ҳар қўти ипак курти-

дан ўртача 58 килограмдан пилла олинди. Эришилган бу меҳнат зафарига Қогон, Олот, Ромитан, Пешку, Ғиждувон ва бошқа туманларнинг пиллачилари салмоқли ҳисса қўшди.

Вилоят кўмуш тола ижодкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшмачи равишда яна 100 тонна пилла етказиб беришга аҳд қилди.

Насулло РАСУЛОВ, Бухоро вилоят ҳокимлиги етакчи мутахассиси.

Аёл, онла, жамият

ДУҒОНАЛАР УЧРАШУВЛАРИ

Республикада пойтахтида ўтаётган «Аёл, онла, жамият» конференцияси қатнашчилари «Қизил тоғ» тикуччилик ишлаб чиқариш бйрлашмасида меҳмон бўлишти. Бу ерда уларга бйрлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш қилинди.

Конференция қатнашчиларининг бу ерга келиши бежиз эмас. Корхона ҳодимларининг 95 фоизини аёллар ташкил этади. Раҳбарият, аёллар кенгаши уларнинг ижтимоий муҳофазаси хусусида доимий ғамхўрлик қилиб келади. Меҳмонлар бйрлашма меҳнаткашлари ва раҳбарлари билан бўлган сўхбатда бу ерда аёлларнинг меҳнат қилиши ва ҳордиқ чиқариши учун яратилётган шароитдан хабардор бўлишти. Корхонада болалар богчаси ишлайди, каттагина бог кичкинтойлар иштирокида бериб қўйилган. Тикучилар энг замонавий табиий ускуналар билан жиҳозланган профилаторийда саломатлигини мустаҳкамлайди. Бу профилаторий ёз пайтида болалар учун соғломлаштириш лагерига айлантирилади. Бу шарт-шароит ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ҳам акс этмоқда. Тош-

кентлик тикучилар ишлаб чиқараётган юксак сифатли, чиройли кийимлар республикадагина эмас, яқин хорижада ҳам машҳур.

Конференция қатнашчилари шу кунги уч гуруҳга бўлишти, «Шарқ гули» акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехларида бўлишти. «Она ва бола» республика марказининг иши билан танишди. Тошкентдаги музей ва мактабларни бориб кўрди. Улар республика болалар жамғармаси раҳбарлари ва фаоллари билан бўлган учрашувда ҳам кўпгина эзгу ишлардан хабардор бўлишти. Ўзбекистоннинг аёллар ва болаларни ижтимоий муҳофазаси қилиш соҳасида эришган ютуқлари соғлом авлодни тарбиялашнинг сибатининг асосий йўналиши деб белгиланган ҳўкуматимизнинг ғамхўрлиги натижасидир. Ойла йилга бағишланган Тошкент анжумани ташкилотчилари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ва «ЭКОСАН» халқаро жамғармалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳўкуматининг ана шу сибатини амалга оширишда ўрнатқ бўлмоқда.

Бўлиб ўтган учрашувларда жуда кўп мамлакатдан келган анжуман қатнашчилари халқаро аёллар ҳаракати фаолияти ер кўрсатида тинчликни ўрнатилиш, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга, келажакимиз бўлган ёш авлодни тарбиялашга муҳим ҳисса қўишини алоҳида таъкидлади.

Республикадаги хотин-қизлар ташкилотларининг иши кейинги пайтда анча яхшиланиб бормоқда, — дейди Андижон вилояти Жалолқудўқ тумани хотин-қизлар кенгашининг раиси Зоҳида Аскарва. — Ҳозирги ўтиш даврида аёлларга ама-

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги шў йил 5-май кунги қарори эса «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасини Конституциявий қўнуғининг лойиҳаси ҳақида. Қарорда лойиҳа биринчи ўқишда маъқуллансин, халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 9-июнь қарори «Тошкент шаҳридаги аҳолига автомобиль ёнилғисини нақд пулга сотувчи айрим автомобил ёнилғисини қўйиш шашҳобчаларини таркиба тарқасида хусусийлаштириш тўғрисида». Қарорнинг биринчи бандида шундай дейилган: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўздавнефтахўсулот» бйрлашмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳридаги аҳолига нақд пулга автомобиль ёнилғисини сотадиган ишлаб турган 5 та, лойиҳалаштирилётган ва қўрилатган 4 та автомобил

ёнилғисини қўйиш шашҳобчаларини 1994 йил мабойида таркиба тарқасида хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ривожланган мамлакатларда ички бозорни таркибга келтириш учун ҳўкумат томонидан турли тадбирлар ишлаб чиқилади. Халқнинг фаровон яшашини учун барча имкониятлар ишга солинади. Ҳозирги шароитда мустақил давлатимизда ҳам турли инсонпарвар тадбирлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8-июнь қарори ҳам сўзимизнинг исботи бўлади. Қарор «Тошкент республика фонд бйрлашмасини самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қийматли қўғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Юртимизда ҳалол меҳнат қилган кишининг меҳнати ҳаммаша ўз баҳосини олган, қадр топан. Бунга Президентимиз И. Каримов шу йил 7-июндаги «Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» фармони ҳам яққол мисол бўла олади.

А. ИВАНОВА, Ў.А. муҳбири.

Элим деб, юртим деб ёниб яшати керак! Ислои КАРИМОВ



Розивчи ёшлар

Жиззах

ЖУРЪАТСИЗ ОРТДА ҚОЛАДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА эришгандан сўнг жазалардан сўнг Президентимиз Ислои КАРИМОВ амалга оширган энг катта маънавий ёрдамлардан бири—бу Жиззах фарзанди Ш. Рашидов номини оқлашда бошқош бўлганлигидир. Умуман, Президентимизнинг ҳақиқат учун қилаётган ишлари беҳисаб, биз эса очилмаган бу имкониятлардан гоҳ фойдалана олмай қолаямиз, бозор иқтисодиётида ўтишда оқсаламиз. Биз икки-уч йил давомида бир неча қўшма корхоналар тузиш ҳақида шартномалар туздик, аммо ҳали биронта-си ҳам тулиш ишга тушиб, маҳсулот бера бошлагани йўқ.

Ўтган йили пахта топириш режасини 80 фоизга бажардик, саноат корхоналаримизнинг бори эса зарари-га ишлар эди. Шу сабабли бюджетда камомат жуда кў-

баҳоли қудрат меҳнат қил-ямиз. Шу йил охиригача Жиззах шаҳрида троллейбус қатновини йўлга қўямиз. Тошкент-Жиззах темир йўли тулиш электралиштирилди. Шунинг ўзи неча минг тонна ёниги—мойлаш мате-риалларини иқтисод қилиш имконини беради. Жиззах меҳнат фабрикасини ишга туширдик. Энди ёш оилалар шифоньер, шкаф, диван из-лаб бошқа вилоятларга бо-риб юрмайдилар, бунақа нар-салар ўзимизда тайёрланади.

Кейинги бир йил давоми-да 13 та қўшма корхона иш-га туширишга эришдик, фа-қат қўллаб саноат ва қиш-лоқ ҳўжалик маҳсулотлари-миз жаҳон андозаси талаб-ларига жавоб бера олмайдик. Шу сабабли тоғат паста-мизни фақат Сибирга сота-ямиз. Шулардан келиб чи-қиб биз саноатни бутунлай қайта қуришимиз, уларни замонавий чет эл ускуна-ла-

уринни олди. Демак, биз-нинг бу борада ички имко-ниятларимиз, очилмаган қўриқларимиз кўп экан. Аф-суски, қўллаб мактабларда-ги чет тили ўқитувчилари-нинг ўзлари тил билмай-дилар. Шундай устозлар тайёрлаган шогирдлар қаер-га боради? Энди барча мак-табларда чет тили ўқитувчи-ларини аттестациядан ўтқа-зиш, яросизларидан воз ке-чиш фурсати етди.

Жиззах педагогика инсти-тутини университетга айлан-тириб, у ерда кимё, биоло-гия, тарих, чет тили факультетлари очмоқдамиз. Уни-верситет ва бошқа ўқув юр-тилари ёшларга шунчаки диплом бериб қўйишнинг эмас, балки ёшларни ишби-лармон, улабурун киши-лар сифатида тайёрлаш, камида икки-уч тилини ўргати-лиш лозим. Токи ёш кадр ҳар қандай мамлакатдан кел-ган асбоб-ускунани, ундаги қўлланмаларга қараб иш-лата билсин. Бозор иқтисоди-сари борар эканмиз, биз учун бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

Афсуски, ҳақон ёшлари-миз орасида ижтимоийлик камаймапти. Ёшлар Итти-фоқи ташкилотлари бу соҳада амалий ишларни қўришлари муҳим. Спортни ривожлантиришда ҳам Ёш-лар Иттифоқининг роли у қадар сезилмапти. Ишона-манки, ёшлар ташкилоти тез орада ўз фаолиятини янги нуқтага олиб чиқади, ҳо-кимлик, ҳўқуқий идоралар, маҳалла қўмиталари, пар-тиялар ва бошқа ташкилот-лар билан ҳамкорликни қў-чайтириб, ёшлар тарбияси-дек нозик ишда кескин ижо-бий бурилиш ясайдилар.

ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Ёш авлодини миллий аниқналар ва умумин-соний қадриятлар ру-ҳида тарбиялаш жой-лардаги Ёшлар Итти-фоқи ташкилотлари-нинг асосий максалла-ридан бири бўлиб қол-моғи зарур. деган му-ҳим масалани Ўзе-бкисон ЕИ XXVI ку-рултойи ўртага та-шляб, шу борада биз ка-би ёшлар ташкилотла-ри вакиллари олдида аниқ-равшан вазифа-ларни қўйди. Шулардан келиб чиқиб, биз фаол ишлаймиз, талаба-ларнинг ҳўқуқ билим олишини, мазмунли дам олушини ташкил этишда техникум раҳ-барлари қўмағида бир қанча ишларни амал-га оширдик. Масалан, Афғонистонда ҳўлоқ бўлган соёқ талаба-ларимиз Бурхон Да-минов ва Мусулмон

Мамадалиев хотираси-га бағишланган спорт олимпиадаси ўтказ-дик. Қизларимизнинг «Иқбол» қўриқ-танло-вида Нарғиза Тошма-матова, Ширини Ума-рова, Зебинисо Бурхо-нова, Дилфуза Парла-ева, Хосият Эшманова каби қизларимиз ўзла-рининг зўққолиғи, ло-барлиғи, билимга чан-қоқлиғи билан йилги-ланлар олқинишга сазо-вор бўлдилар. Бундай қўрак-танловлар бизда ҳар ойда мунтазам ўт-казилиб борилади.


Биз техникумда «Оруз» ашула ва рақс ансамбли тузганмиз. Унинг шўҳрати баланд. 5 минг ўринли туман футбол стадионига бир неча бор концертлар берди. Ундан тушган маблаг ЕИ қўмитасини молиявий бақувват қи-

лиш учун сарфланмоқ-да.

Ҳўзир техникумда талабаларнинг фан-ларга бўлган қизиқиш-ларини янада ошириш, билим савиясини му-стаҳкамлаш мақсадида фан олимпиадалари ўт-казилмоқда.

Ўйлаймики, талаба-лар ўқуви самарадор-лигини ошираверсак, бўш вақтларини шу тахлит кўнгилли ўт-қизсак. Президент-мизнинг ёшларга оид фармонларини, Ўзе-бкисон Ёшлар Итти-фоқи XXVI қўрултойи қарорларини изил ҳа-ётта тадиқ этган бў-ламиз.

Олим НУРМАТОВ, Фаллаорол қишлоқ ҳўжалик техникуми Ёшлар Иттифоқи ташкилоти котиби.



Ўринбосарлар қайтди

Ёшлар деҳқон-фер-мер ҳўжаликларига эътиборни қўйишга ки-ради. Уларнинг ер билан, зарур тех-ника жиҳозлар билан таъминлаш, улардан олинган маҳсулот-ни тайёр маҳсулот да-ражасига етказиш им-кониятини бериш ло-зим.

Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари ўзла-рини ўнлаб оишлари қийин бўлапти. Агар уларни ҳар хил соҳа-ларда банд бўлишдан озод қилинса, бу анча ёрдам бўларди.

Бошлар ва ўсмир-лар уюшмаси Ёшлар Иттифоқи таркибига қайтганлиги яхши бўл-ди. Энди мактаблар билан ҳамкорликда ишлаймиз анча осон-лашади.

Бахтиёр ЭЛМУРОДОВ, Ёшлар Иттифоқи Зарбдор тумани қў-митасининг биринчи котиби.

ҚИЛАДИГАН ИШИМИЗНИ БИЛАМИЗ

Мирзачўл тумани Ёшлар Иттифоқи қў-митаси ташаббуси ва туман ҳўқимлиги ота-лиги билан барча ҳў-жаликларда, ташкилот-ларда ёшлар билан ишлайдиган директор ўринбосари лавозими жорий этилди. Виз-

Хўш, қурултой бизга нима берди! Авваламбор, ташкилий жиҳатдан каттик тайёргарлик қўрилди. делегатларнинг фик-рини ҳаммиса банд қилиб тур-ди. Делегатлар бурунги за-монлардагидек, «бир-дам олиб, ўйнаб келиш учун» Тош-кентга тушмадилар, балки фа-ол ишладилар. Ҳар бир қат-нашчи қабул қилинган қар-орлар учун ўзини тўла жа-вобгар деб ҳис қилди, бу ай-ниқса янги Устав лойиҳаси му-ҳофиза қилинганда кўзга ташланди.

Зеро, бугун Президентимиз айтгандай, ёниб яшамган одам замондан ортада қолади. Замон эса шиддаткор, Алло-мишининг Бойиборидай марра сари интилади. Шунинг назарда тутиб, биз ҳам замондан ортада қолмаслик чораларини қўра-миз. Шу йил 2 апрель кунини ёшлар шайбалиғи уюштиргани-миз бу йўлдаги ҳаракатлари-миздан биридир. Вилоятдаги барча ташкилотларда, ҳўжа-ликларда, корхоналарда иш-лайдиган ёшлар ўзларининг бир кунлиқ маошларини биз-нинг ҳисобга ўтказдилар. Ҳомчўтимишга кўра, биз анча бойиб қолдик. Яширишимиз ҳўжати йўқ, биз кейинги вақт-ларда фақат бадал ҳисобига кўн қўрадикан бўлиб қолгани-миз учун ҳодимлар сони кес-кин қисқарган, турли-туман тадбирлар ўтказиш у ёқда турсин, ҳатто ҳодимларга ой-лик маош топши ҳам муаммо-га айланган кўнлар кўп бўл-ди.

Замон ўзгариши оқибатида ёшлар ташкилотига бепасанд муносабат ҳўжудга келди. Би-рон раҳбарга урчишиб: «Мен ёшлар ташкилоти вакилиман», десангиз, «Й-я, комсомол ҳа-лиям борми?»— дея елка ки-сидиган бўлиб қолди. Эски анъаналар бўйича туман пар-тия қўмитаси шу туман эгаси бўларди. Ва айнан шу туман қўшида, унинг иморатида ту-ман комсомол ишарди. У туман тараққиёти учун ўзини фаоллари билан бирдай жа-вобгар ҳис қилар, шунга яра-ша ишларди. Ҳўзир бир неча туманларимизда Ёшлар Иттифоқи қўмиталарини мос-лашмаган иморатларга суриб қўйилмоқда. Илгари ўзимиз иморат солиб яшамиз урф бўлмаган экан, бунда бизнинг мутлақо айбимиз йўқ. Ёш-ларни тўй қилиб, никоҳдан ўт-казгандан сўнг ота-оналар уларни маълум муддат уйла-рида сақлашадик, уй қуриб бе-риб, кейин мустақил ҳаётга чиқаришадик. Е бизнинг туман-лардаги ташкилотларимиз ўғаймикан!

Ахир биз бунақа кичир-кичир-лар билан эмас, ёшлар тар-бияси билан шуғулланишимиз керак. Болаларнинг мактабдан бўш вақтини бекор ўткази-шига йўл қўймаслигимиз, тур-ли тадбирлар уюштиришимиз, спортни ривожлантиришимиз керак. Жиззахдан ҳам жаҳон ва Олимпиада чемпионолари чиқадиган вақт келди. Қачон-гача бўлгуси чемпионолар шо-шиб-пишиб мактабдан қайтган-ча, суммасини бир чегга отиб молга қараш, ўт ўриши, пах-тага югуриши, пивэ ўташи керак. Мен болаларимиз бу ишлар билан мутлақо шуғул-ланмасин, демаялган, қиш-лоқда яшайдиган ҳар бир бо-ла бу меҳнатлардан қочиб ку-тула олмайдик. Фақат ҳар бир нарсга меъбрида бўлса, боло-

лар ўйғун ривожланса, дея орзу қиламан. Бунда бизлар халқ таълими ҳодимлари би-лан ҳамкорликда иш юрти-шимиз лозим.

Шу ўринда мактаблар маса-ласига алоҳида тўхталмоқчи-ман, чунки Иттифоқимиз асо-сини ўқувчилар ташкил эта-ди. Вилоятимиздаги фақат 33 фойз мактаблар замонавий бинолар билан таъминланган, 26 фойзиди дарслар икки сменада олиб борилади, 25 мактаб биноси ночор ҳолати-да, 325 мактабда спорт зал-лари, 221 мактабда ошхона, 200 дан зиёд мактабда кана-лизация ва марказий иситиш тармоқлари йўқ. Ҳар қанча қийин бўлмасин, бу рақамлар-га жиддий эътибор бериш фурсати етди.

Илгари биз: «талабалар Жиззах шаҳар транспортда юриш учун имтиёзларга эга бўлиши керак», деган таклиф билан чиққан эдик. Минг рах-мат раҳбарларимиз, мутасад-ди ташкилотлар шундай им-кониятни яратиб беришди. Энди ана бир гап. Шанба-яш-шаба кўнлари вилоят шаҳар-лараро автобуслари талаба-ларни талабалик гувоҳномаси-га кўра имтиёзли нархларда уйларига олиб бориб-келса-лар. Йўқса, талабаларнинг ота-онаси бағрига бориб-қайтиш уларга жуда қимматга тушиб кетаяпти.

Ёшларнинг ҳарбий ватанпар-варлик тарбияси, миллий анъаналарни тиклаш, қадрлаш, ёшларнинг кичикман бақу-ват бўлиши учун биз барча ишларни қилишимиз керак. Тўғри, кейинги вақтларда ишимизда қатор камчиликлар-га йўл қўйилди, раҳбар таш-килотлар билан ўзлашларга йўл қўйилди, бунда бизнинг айбларимиз кўп. Зарбдор, Мирзачўл, Зафаробод туман-ларида ишларимиз юришгани билан Арнасой, Баҳмал, Дўст-лик туманларида қўмиталари-миз фаолиятини амалий йўл-га сола олмаймиз. Биз тан оламиз, ҳўзир қишлоқларда деҳқон-фермер ҳўжаликлари тузатган ёшларимиз муаммо-ли билан ҳам қишқа олма-ямиз. Илгарилари жойларда комсомол-ёшлар бригадалари бўлар, ҳўжалик ва ишлаб чи-қариш корхоналарининг асо-сий оғирликларини ўшлар кўтарар, биз эса уларга ҳо-кимий эдик. Ўйлашимизча, бу-гун ўша ёруғ анъаналарни ана тиклаш фурсати етди.

